

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

РИЗАЕВ БАХТИЁР ХОЛЛИЕВИЧ

**НЕЪМАТ АМИНОВ ИЖОДИДА
ИЖТИМОЙ ВА АДАБИЙ-ҲАЖВИЙ ТИПЛАРНИНГ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши- 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD)
in Philological sciences**

Ризаев Бахтиёр Холлиевич

Неъмат Аминов ижодида ижтимоий ва адабий-ҳажвий типларнинг бадиий
талқини.....5

Rizaev Bakhtiyor Xollievich

Literary interpretation of social and literary-comic characters in the literary
career of Nemat Aminov.....21

Ризаев Бахтиёр Холлиевич

Художественное толкование социальных и литературно-юмористических
типов в творчестве Немата Аминова.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019 Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РИЗАЕВ БАХТИЁР ХОЛЛИЕВИЧ

**НЕЪМАТ АМИНОВ ИЖОДИДА
ИЖТИМОИЙ ВА АДАБИЙ-ҲАЖВИЙ ТИПЛАРНИНГ
БАДИИЙ ТАЛҚИНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.3.PhD/Fil959 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) веб-саҳифанинг www.qarshidu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тўраев Дамин,
филология фанлари доктори, профессор

Саримсоқов Баходир Исоқович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Шоира Незматовна,
филология фанлари доктори, профессор

Холмуродов Абдулхамид
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Бош бино 3-қават, Фаоллар зали (305-хона).

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д.

Г.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.ф.д. (PhD).

Б.Йўлдошев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, ф.ф.д. проф.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида ҳажвий йўналиш, сатира ва юморнинг ижтимоий-эстетик функциялари, унда реалистик ва шартли тасвир хусусиятларини аниқлаш ва бу борадаги илмий-назарий қарашларни умумлаштириш масаласига алоҳида диққат қаратилмоқда. Натижада ҳажвиётнинг бадиий адабиётдаги вазифалари, ҳажвий тип ва ижодкор эстетик идеали, гротеск усули кабилар ҳақида қатор илмий тадқиқотлар яратилди. Айни пайтда ҳажвий асар услуби, ундаги ҳажвий тип яратиш усуллари, киноя, пичинг, сарказм, аччиқ кулги, ижодий индивидуаллик кабиларни муайян ижодкорлар асарлари мисолида илмий баҳолаш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида ҳажвиёт генезиси, тадрижи, кулги кўринишлари ва унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни каби муаммолар ҳақида қатор илмий тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ҳажвий типга хос муҳим жиҳатлар, ҳажвий пафос ва бадиий маҳорат, индивидуаллик муаммоларини муайян ижодкор асарлари мисолида яхлит тарзда текшириш лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд. Шу маънода ҳажвнавис ижодкор услуби ва унинг поэтик ўзига хос муаммоларини илмий тадқиқ этиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири саналади.

Ўзбек адабиётида ҳам ҳажв жамиятни маънавий жиҳатдан поклашга хизмат қилувчи бадиий қурол сифатида ўз ўрнига эгадир. Адабиёт тарихига назар солинса, ҳар бир даврнинг ўз ҳажвиёти ва ҳажвий типлари бўлганлиги, бу йўналишдаги асарлар мавжуд тузум муаммоларини акс эттирганлиги аёнлашади. “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бой маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлаймиз”¹. Шу маънода ҳаётининг эътиқоднинг асосий мезони бўлган юксак маънавият учун кураш, унга эришишда бадиий адабиётнинг, айниқса, унинг жанговар йўналиши ҳажв ва юморнинг ўрни, аҳамияти беқиёс даражада улқандир. Замонавий ўзбек адабиётида улкан ҳажвнавис адиб Неъмат Аминов асарлари, у яратган ҳажвий типларнинг ижтимоий-эстетик моҳияти бадиий маҳорат нуқтаи назаридан махсус ўрганилмаган. Шу жиҳатдан ҳажвнавис адиб ижоди, услубидаги индивидуаллик хусусиятлари, ҳажвиётнинг бадиий вазифаларини тадқиқ этиш диссертация асосига қўйилган муаммонинг долзарб ва зарурийлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонининг очилишида сўзлаган нутқи. / Халқ сўзи, 2020, 21 май, №106 (7608).

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ва ушбу мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жаmiятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигида у ёки бу адиб ёхуд шоир ижодидаги ҳажвий, юмористик типлар ҳақида Ҳ.Абдусаматов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Раҳимов, А.Абдуғафуров, У.Норматов, Б.Назаров, О.Собиров, Б.Каримов, С.Тошканов, С.Махсимхонов, Ш.Ахмедова² каби олимларнинг диссертация, монография ва мақолалари яратилган. Бу тадқиқотларда янги ўзбек адабиётида ҳажвий йўналишнинг юзага келиши, генезиси, такомил топиши, ҳажвий тип яратишининг назарий масалалари муайян ҳажвнавислар асарлари мисолида текширилган. XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиётида санъаткор адиб Неъмат Аминов ижоди бўйича илмий кузатишлар бир қатор мақола ва тақризларда³ ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан ушбу диссертация ўзбек адабиётшунослигида эпик турнинг деярли барча жанрида сатирик ва юмористик асарлар ёзган ёзувчи фаолиятига бағишланган дастлабки тадқиқот ҳисобланади.

² Абдусаматов Ҳ. Абдулла Қаҳҳор. – Тошкент: Ўздавнашр. 1960. – 56 б.; Абдусаматов Ҳ. Ўзбек совет сатираси масалалари. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. – 358 б.; Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор. – Тошкент: Фан, 1973. – 149 б.; Қўшжонов М. Норматов У. Маҳорат сирлари. – Тошкент: Ўздабиий нашр. 1968. – 68 б.; Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 256 б.; Каримов Б. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан, 2006. – 86 б.; Абдуғафуров А. Навоий сатираси. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1968. – 313 б.; Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. 2-китоб. –Тошкент: Фан, 1972. – 260 б.; Раҳимов Н. Ўзбек совет сатираси тарихидан 3. (1917-1959). – Тошкент: Фан, 1962. – 231 б.; Норматов У. Сержило кулги // Шарқ юлдузи. 1991. № 3 –Б.187-192.; Назаров Б. Ҳаётгиллик – безавол мезон. –Тошкент: Ёш гвардия, 1985. – 126 б.; Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан, 2004. – 243 б.; Норматов У. Қодирий боғи. – Тошкент: Ёзувчи, 1999. – 86 б.; Норматов У. Устоз ибрати. – Тошкент: 2007. – 116 б.; Собиров О. Ўзбек реалистик прозаси ва фольклор. – Тошкент: Фан, 1979. – 199 б.; Ахмедова Ш. Саид Аҳмад ҳажвиётида бадиий маҳорат: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 29 б.; Махсимхонов С. Абдулла Қодирий ижодида ҳажвий характер муаммоси (кичик насрий асарлари мисолида): Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997.– 22 б. ва ҳоказо.

³ Иброҳим Раҳим. Неъмат Аминов ва унинг “Жигари тўкилди”сига характеристика // Неъмат Аминов. Жигари тўкилди (ҳикоялар, интермедиялар ва фельетонлар). “Муштум” кутубхонаси. – Тошкент, 1974. № 34. – Б.2; С.Аҳмад. Кулгига маҳкум этиб // Неъмат Аминов. Ёлгончи фаришталар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 318-319; С.Аҳмад. 3001 суварак // Саид Аҳмад. Йўқотганларим ва топганларим. – Тошкент, 1998. – Б.233-239; Шарафиддинов О. Ҳажвиётга садоқат // Неъмат Аминов. Қаҳқаҳа. Қиссалар ва ҳикоялар. – Тошкент, 1987. – Б. 5-18.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Адабий ходисаларнинг тарихий тадрижи ва назарий тараққиёти масалаларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Неъмат Аминов ижодида ҳажвий типлар яратишнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳажвий ижод йўналишининг юзага келиши ва адабиётшуносликда ўрганилиши масаласини ёритиш;

ҳажвий асарларнинг жамият маънавий иқлимини соғломлаштиришга хизмат қилувчилик хусусиятини далиллаш;

XX аср ўзбек адабиётида ҳажвий йўналишнинг шаклланиши ва тараққиёти Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад каби ёзувчилар асарлари билан боғлиқлиги, бу адибларнинг ижодий анъаналари Неъмат Аминов томонидан давом эттирилганлигини очиб бериш;

Неъмат Аминов ҳажвий ҳикояларининг мавзулар кўлами ва сюжетини белгилаб кўрсатиш;

адиб ҳикояларида яратилган ҳажвий типларга хос хусусиятларни аниқлаш; ёзувчининг “Ёлғончи фаришталар” роман дилогиясидаги ҳажвий характерлар ва типларга хос хусусиятларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Неъмат Аминовнинг “Лабиҳовуз хандалари” (1973), “Жигари тўкилди” (1974), “Елвизак” (1976), “Тилло табассумлар” (1977), “Ёлғончи фаришталар” (1983), “Чинорлар кўшиғи” (1984), “Қаҳқаҳа” (1987) каби тўпламларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети Неъмат Аминов асарларида яратилган ҳажвий типларга хос хусусиятларни ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда бадиий-психологик таҳлил, қиёсий-типологик ва тарихий-қиёсий, аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

бадиий адабиётда ҳажвий йўналишнинг илдизлари халқ оғзаки ижодида ва ўзбек адабиётининг тадрижий босқичларида такомил топганлиги очиб берилган;

ўзбек насрида ҳажвий йўналишнинг шаклланиши Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад каби ёзувчилар ижоди билан боғлиқлиги ва бу адибларнинг ижодий анъаналари Неъмат Аминов томонидан давом эттирилганлиги асосланган;

Неъмат Аминов ҳажвиётига хос образ яратиш маҳорати, мавзу танлаш ва уни ёритишдаги новаторлик хусусиятлари очиб берилган;

ҳажвий пафоснинг сатира ҳамда фожеавийлик эстетик категорияси билан муносабати, улар ўртасидаги алоқадорлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Замонавий ўзбек адабиётида ҳажвиёт ва унинг ўзига хослиги, ҳажвий типларнинг ижодкорнинг эстетик идеали билан алоқадорлиги аниқланган;

адиб яратган ҳажвий типлар орқали жамиятда давлат мулкани талон-тарож қилиш, кишилар ўртасида маиший-ахлоқий бузуклик, порахўрлик, тамагирлик ва ёлғончилик каби иллатларнинг аёвсиз фош этилганлиги илмий далилланган;

ҳажвий асар бадиий тилига хос хусусиятлар, персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда жонли халқ тилининг бой имкониятларидан ўринли фойдаланилганлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёсий-типологик, аналитик, тарихий-қиёсий, психологик таҳлил каби усуллар орқали асослангани, ишончли назарий манбалардан фойдаланилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти адабиётда ҳажвий ва юмористик тасвирнинг умумназарий масалалари, ҳажв ва юморнинг ижтимоий-эстетик функциялари, реалистик ва шартли тасвир хусусиятларини англашда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот амалий аҳамияти шундан иборатки, олий ўқув юр்தларининг филология йўналишидаги талабалар учун ихтисослик курслари ҳамда семинарларда, Неъмат Аминов ижодида бағишланган рисола, адабий портрет яратиш жараёнида фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Неъмат Аминов ижодида ижтимоий ва адабий-ҳажвий типларнинг бадиий талқини тадқиқи бўйича олинган илмий натижалари асосида:

ҳажвий пафоснинг сатира ҳамда фожиавийлик эстетик категорияси билан муносабати, улар ўртасидаги алоқадорлиги ҳақидаги илмий хулосаларидан ОТ-Ф8-002 рақамли “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” (2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 89-03-2336-сон маълумотномаси). Натижада ҳажвий асар бадиий тилига хос хусусиятлар жонли халқ тилининг табиати ва маънавий дунёсининг таркибий қисми сифатида қаралиши ҳақидаги ўринлар мукамаллашган:

бадиий адабиётда ҳажвий йўналишнинг илдизлари халқ оғзаки ижодида ва ўзбек адабиётининг турли босқичларида такомил топганлиги ҳақидаги илмий-назарий хулосаларидан ФА-Ф1-Г040 рақамли “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва таъсир” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 89-03-2336-сон маълумотномаси). Натижада бадиий адабиётда ҳажвий йўналишни бошқа халқлар адабиёти билан қиёсий ўрганиш қиёсий адабиётшуносликнинг муҳим муаммоларини ёритишга алоҳида эътибор қаратганлиги лойиҳанинг методологик асосларини шакллантиришга хизмат қилган;

Неъмат Аминов ҳажвиётига хос анъана ва новаторлик хусусиятлари ҳақидаги назарий қарашларидан ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг

2020 йил 10 июндаги 17.01/124-сон маълумотномаси). Натижада бадиий асарларда қўлланилган семантик деривация ҳодисасининг назарий тадқиқи мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, улардан 1 таси хорижий нашрларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация Кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумот берилди.

Диссертациянинг биринчи боби “**Адабиётда ҳажвий йўналишнинг юзага келиши ва унинг назарий асослари**” деб номланган. Унинг биринчи фаслида “**Ҳажвийнинг ижтимоий-эстетик вазифалари**” масаласи тадқиқ этилган. Адабиётшунослик назарияси ва эстетикасида ҳажвнинг ижтимоий-эстетик вазифаси ҳамда унинг турли қирралари ҳақида асосли фикрлар мавжуд. Тадқиқ жараёнида адабиётшуносликдаги бу фикрларнинг энг муҳимлари шарҳланди ва уларга муносабат билдирилди. Хусусан, юнон донишманди Арастунинг “Комедия ... ёмон кишиларни бутунлай бадном қилиш маъносида бўлмаса-да, гавдалантириш, зеро, кулгили ҳолат – хунукликнинг бир қисми, холос”⁴, – деган фикрлари фақат драматик турга эмас, балки эпик турга, хусусан, бадиий насрга ҳам тааллуқлидир.

Дарвоқе, ҳажвнинг ижтимоий ҳаётни ярамас иллатлардан тозалаш, инсон маънавий-ахлоқий қиёфасини такомиллаштиришдаги ўрни ва аҳамияти жуда ҳам каттадир. Шу боис ҳажв Ғарб ва Шарқ адабиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шундай экан, ҳажв ижодкорнинг воқеликка эстетик муносабатининг бир шаклими, яъни пафоснинг кўринишларидан бирими ёки айрим танқидчи ва адабиётшунослар кўрсатганидек алоҳида адабий турми? Бу масала В.Г.Белинскийдан тортиб ҳозирга қадар узил-кесил ҳал этилмай келинади. У XIX асрнинг 40-йилларида Н.В.Гоголь ва М.Лермонтов асарлари

⁴ Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б-28.

хақида ёзган мақолаларида ҳажвни адабий тур сифатида таърифлайди⁵. В.Г.Белинскийдан кейин XX асрда Л.И.Тимофеев, Я.Эльсберг, Ю.Борев каби олимлар ҳам ҳажвни адабий тур сифатида талқин қиладилар⁶.

Юқоридаги қарашга қарама-қарши ўлароқ, жуда кўп адабиётшунослар ҳажвга ижодкорнинг воқеликка бўлган эстетик муносабатининг бир шакли, яъни пафоси сифатида қарайдилар⁷. Биз ҳам ҳажв ижодкорнинг воқеликка эстетик муносабатининг бир шакли эканлиги ҳақидаги қарашга қўшилдик ва ўз ишимизда Неъмат Аминов ижодида ҳажвий типлар яратишдаги ўзига хосликларни таҳлил этишда ана шу тамойилдан келиб чиқишга ҳаракат қилдик.

Атоқли адабиётшунос олим Юрий Борев “О комическом” (“Комиклик ҳақида”) асарида оддий кулгили ҳодисалар билан комизм ҳолати ўртасида умумийлик ҳам, тафовутлар ҳам борлигини кўрсатади. Унинг ҳажвий таракқиёти, юксак ижтимоий идеаллар учун курашчанлик билан боғлиқлиги ҳақидаги фикрлари қимматлидир⁸. Шунингдек, Ю.Боревнинг И.Кант, Сукрот, В.Т.Белинскийнинг фикрларига муносабати билдириб, эстетик идеал ҳажвий ва юмористик асарларда ўзига хос ифодаланиши юзасидан билдирган мулоҳазалари ҳам характерлидир⁹.

Рус адабиётшунослигида Л.И.Тимофеев, Г.Н.Поспелов, М.Б.Храпченко, ўзбек адабиётшунослигида академиклар И.Султон, М.Қўшжонов, С.Мамажонов, профессорлар А.Абдуғафуров, Ҳ.Абдусаматов, Б.Имомов, Ҳ.Раззоқов, Б.Саримсоқов, Н.Ҳотамовлар ҳам ўз тадқиқотларида ҳажвнинг умумназарий масалалари ва унинг ижтимоий-эстетик функциялари ҳақида қимматли мулоҳазаларини баён этганлар.¹⁰

⁵ Белинский В.Г. Собр.соч.в девяти томах. Т.3. – М.: ХЛ. 1978. – С. 216-277.

⁶ Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971. – С. 387-405.; Эльсберг Я. Некоторые вопросы теории. сатиры // Проблемы теории литературы. – М.: АН СССР, 1958. – С. 268-297; Борев Ю.Б. Сатира // Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении. Роды и жанры литературы. – М.: Наука, 1964. – С. 363-407.

⁷Поспелов Г.Н. Проблемы исторического развития литературы. – М.: Просвещение, 1972. – С.12-19; Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. – М.: Советский писатель, 1970. – С. 26.; Руднева Е.Г.Пафос художественного произведения (Из истории проблемы). – М.: Изд-во МГУ, 1977. – С. 11; Султон Иззат. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б. 163; Қўшжонов М. Назарий лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 24.; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 228; Қўшжонов М. Адабиётда эстетик категориялар // Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.162-164; Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси. – Тошкент, 1994. – Б.100.

⁸ Қаранг: Борев Ю. О комическом. – М.: Искусство. 1957. – С.10-11.

⁹ Ўша манба. – Б. 17-32.

¹⁰ Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1971. – С.397-405; Поспелов Г.Н. Проблемы исторического развития литературы. – М.: Просвещение, 1972. – С.12-19.; Храпченко М.Б. Художественное творчество, действительность, человек. – М.: СП, 1882. – С.58-80; Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи. 1980. – Б.163-166; Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор. – Тошкент: 1973. – Б.149; Қўшжонов М. Назарий лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 24; Қўшжонов М. Адабиётда эстетик категориялар // Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 162-163; Мамажонов С. Ғафур Ғулом прозаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.65; Абдуғафуров А. Навоий сатираси. I китоб. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.313; Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. II китоб. –Тошкент, 1972 – Б.260; Абдусаматов Ҳ. Ўзбек совет сатираси масалалари. – Тошкент: 1968. – Б.358; Абдусаматов Ҳ. Сатира // Адабиёт назарияси. Икки томли. 2-том. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 309-336; Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ ижодида сатира ва юмор. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.86; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.228; Имомов Б. Драматургик маҳорат сирлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 49-91.

Рус ва ўзбек ёзувчиларининг адабий-эстетик қарашларида ҳам ижод жараёнида ҳажв ва юморнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнига алоҳида эътибор берганликларининг гувоҳи бўламиз. Масалан, машҳур рус ёзувчиси Н.В.Гоголь ҳажвнинг ижтимоий-эстетик функцияси ҳақида тўхталиб, уни “воқеага чуқур маъно касб этиб, эътиборсиз қолаётган ҳолатларни аёвсиз очиб кўрсатишга, воқеликнинг авра-астарини ағдариб ташлашга мажбур қилади”¹¹, – деса, янги ўзбек адабиётининг йирик намояндаси А.Қодирий “Ёзувчиларимизга” сарлавҳали мақоласида танланган мавзу “ижтимоий ва сиёсий манфаат” касб этсагина қўлга қалам олиш лозимлигини таъкидлайди, “26 нчи йилда кулдирувчиларимиз” номли мақоласида юмор (кулги)нинг жамият нафас олиши билан бирга яшаши лозимлигини уқтиради¹².

XX аср ўзбек адабиётининг дарғаларидан Ғафур Ғулом ҳажвнинг майда ва сийқаси чиққан мавзудан узоқлашишини¹³, Абдулла Қаҳҳор эса ҳажвиётимизнинг ижтимоий моҳият касб этишини¹⁴ маслаҳат беришади.

Бадий адабиёт сиёсат эмас, санъатдир, лекин ҳақиқий санъат жамият ҳаётини бадий таҳлил қилади, шу маънода у истаса-истамаса сиёсатга аралашади, жамиятни сиёсий манзарасини акс эттиради. Демокчимизки, кулги ғояни, сиёсатни ҳам бадийлаштиради ва жонлантиради.

Тадқиқотда Флобер, Гоголь, А.Қодирий, С.Айний асарлари таҳлили мисолида ҳажв ва юморнинг ижтимоий-эстетик функцияларини кўрсатиб берилди.

Адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Баҳодир Карим “Абдулла Қодирий” номли монографиясида ўзбек адабиётшунослигида биринчилар қаторида жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари (Ф.Рабле “Гаргантюа ва Пантагрюэль”, Т.А.Гофман “Кичик Цахес”, Н.В.Гоголь “Ревизор”)да ҳам ижтимоий, ҳам эстетик таъсир кучининг юксаклигининг асосий сабаби халқ кулгиси нуқтаи назаридан ёзишда деган М.Бахтин фикрини Абдулла Қодирий ҳажвиётига ҳам тадбиқ этади.¹⁵ Муҳими, Баҳодир Карим кулгининг ижтимоий ва эстетик моҳияти ҳақида М.Бахтиндан ярим аср аввал Абдулла Қодирий ўз асарларида шу каби адабий-эстетик қарашларини баён қилганлигига эътиборимизни қаратади. Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” романида М.Бахтин айтган халқ кулгисининг биринчи шаклларида – халқ байрамлари, масхарабозлик ўйинларидан унумли фойдаланган. Шу ўринда романнинг алоҳида бир боби – “Томошақовок”ни эслаш кифоя.

Биринчи бобнинг иккинчи фаслида *Неъмат Аминов ҳажвиётини анъаналарнинг ўрни* масаласи таҳлилига диққатимизни қаратдик. Ҳаёт воқелигини ва қаҳрамонлар характерини тасвирлашда барча сўз санъаткорлари, шу жумладан, ҳажвчилар ҳам реалистик ва рамзий, мажозий

¹¹ Борев Ю. О комическом. – М.: Искусство. 1957, – С.32.

¹² Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. – Б. 185-186.

¹³ Ғафур Ғулом. Адабий – Танқидий асарлар. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 302.

¹⁴ Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томли, 6-том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б.213.

¹⁵ Қаранг: Баҳодир Карим. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.98.

каби тасвир воситаларидан фойдаланади. М.Е.Салтыков-Щедрин, Н.В.Гоголь, А.П.Чехов, М.Зошченко, А.Қодирий, С.Айний, С.Аҳмад, Ф.Мусажонов, Неъмат Аминовлар ўз асарларида воқеликни акс эттиришнинг ҳар икки турдаги тасвир воситаларидан моҳирона фойдаланганликларини кўришимиз мумкин. Тадқиқотда Неъмат Аминовнинг ҳажвий ижодидаги бардавомлигининг ўзига хос хусусиятлари исботлаб берилади. Хусусан, адибнинг Гоголь, Щедрин ва Чехов каби ҳажвиёт оламининг дарғалари ижоди билан бир қаторда А.Қодирий, С.Айний, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор ва С.Аҳмад каби забардаст ўзбек адибларининг ижодий анъаналари билан маънавий озиқлангани, улар бошлаб берган йўлни давом эттиришга интиланлиги ҳамда бевосита устозлар анъаналарини янги ҳаётий мавзулар билан бойитган ҳолда ривожлантирганлиги алоҳида таъкидланади.

Диссертацияда бадиий-психологик, тарихий, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланиб, Ги де Мопассан, А.П.Чехов, Абдулла Қодирий, Саид Аҳмад асарларида ҳажв мазмуни реалистик тасвирларга асосланган, Франсуа Рабле, Эдгар По, М.Бульгаков, А.Фитрат, Ғ.Ғулом, Тоҳир Маликнинг баъзи асарларида ҳажвий пафос шартли-фантастик воқеалар ва қаҳрамонларни тасвирлашга мойиллик етакчилик қилади, – деган хулосага келдик.

Тадқиқотда Неъмат Аминовнинг ижодидаги асар номланишидаги эстетик тамойил нуқтаи назаридан ёндашиб, адибнинг бадиий маҳоратини, кенгроқ айтганда, унинг ўзбек адабиёти, хусусан, ҳажвиёти ривожига кўшган ҳиссасини баҳолашга ҳаракат қилдик. Шунингдек, адибнинг бир қатор ҳикояларида ҳаётдаги хунуклик устидан қандай кулишини, уларни қандай тасвир усуллари орқали бадиий образларга сингдириб юборишини ўрганишни таҳлил асосига айланттирдик.

Аввало шуни айтиш керакки, ҳажвий ҳикоянинг номи унда тасвирланган ва кулгига сабаб бўладиган воқеа моҳиятини аниқ ифодалаб туриши лозим. Бундай номланиш эса баъзан ҳикоя мазмуни билан тўғридан-тўғри боғланса, баъзан улар ўртасидаги боғланиш рамзий, киноявий мазмун касб этади. Неъмат Аминов ҳикояларида асар номи билан мазмуни ўртасидаги алоқадорликнинг юқорида айтилган икки хил шакли ҳам учрайди. Масалан, унинг “Педагогика” деб номланган ҳикоясида асар номи мазмунига киноявий муносабат орқали боғланган.

Ҳикояда механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Мардон Тоҳирович кабинетда қурилиш участкаларининг бошлиқлари билан йиғилиш ўтказиши тасвирланган. Асар мазмунидан шу нарса маълум бўладики, адиб ҳикояга бежизга қўштирноқ ичида “Педагогика” деб ном қўймаган. Жамоа ичида ўзининг ўрнини билмаган, кўпчиликни битта тантиқ боланинг телефондаги хархашаси билан банд қилган, битта танбеҳ билан чек қўядиган нарсага эрк берган ва бола тарбиясини бузган бу шахснинг барча хатти-ҳаракати педагогика, маданиятга хилоф эканлигини адиб ёрқин тасвирлаб бера олган. Адиб бу ҳикоясини кейинчалик “Ёлғончи фаришталар” романига моҳирлик билан сингдириб юборган. Романда телефон ва ўғилча воқеаси Баширжон Зайнишевга боғланади.

Ҳажвий, юмористик ҳикояларда адабий тип яратишнинг яна бир шартли усули асар сюжетининг саргузаштли бўлиши ва воқеа ечимининг фавқулодда ҳал бўлишидан иборат. Одатда бу усул ҳажвий қисса ёки романлар учун хос бўлса ҳам, бироқ Неъмат Аминов ўз ҳикояларида бу усулдан жанр имкониятлари доирасида фойдаланишга эришган. Унинг “Думли юлдуз” ҳикоясида ҳар нарсада, ҳар бир жойда ўзини билимдон, ҳозир у нозир қилиб кўрсатадиган мақтанчоқ, ёлғонни дўндирадиган типнинг ҳақиқий башараси очиб берилган. Диссертациядаги мазкур ҳикоя таҳлилида ёзувчининг шартли тасвир усулидаги камчилиги, хусусан, воқеалар тасвирида сунъийликка йўл қўйганлиги, лоф, муболаға ўзини оқламагани, қаҳрамон тилидаги ёлғон меъеридан ошиб кетганлиги ҳам таъкидлаб ўтилган. Бироқ Неъмат Аминовнинг ижодий тамойили ҳажвий пафосга асосланганлиги сабабли шартли тасвир хусусиятларидан асарларидаги типларнинг барча жиҳатларидан, айниқса, уларнинг портретларидан ҳам унумли фойдалана олганлиги эътироф этилган. Шу сабабли ҳажвий типнинг ихчам портретига бир неча чизги воситасида унинг моҳиятини очиш усули жаҳон адабиётида кенг тарқалган бўлса ҳам, ўзбек ҳажвиётида Неъмат Аминов ижодида махсус адабий усул даражасига кўтарилган, десак янглишмаймиз.

Диссертациянинг “**Неъмат Аминов ҳикояларида ҳажвий тип яратиш маҳорати**” деб номланган иккинчи бобнинг биринчи фасли “**Адиб ҳикояларида ҳажвий типларнинг бадиий талқини**” деб номланади. Неъмат Аминов бутун ижоди давомида ҳажвий асарлар ёзди, айрим ижодкорларга ўхшаб бу соҳага онда-сонда мурожаат этмади. Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов адиб ижодидаги бу хусусиятни “ҳажвиётга садоқат ... ўзига хос фидойилик”¹⁶, – деб таърифлаганида тўла ҳақли эди.

Ҳажвий ёки юмористик асарлар фақат ҳажвий типларга асосланади. Бундай типлар эса, одатда, образнинг мазмун-моҳияти билан шаклининг ноуйғунлиги туфайли яратилади. Ҳар бир тарихий давр ўзига хос тараққиёт ва унга ғов бўлувчи кучларга эга. Тараққиётга қарши турувчи кучлар бадиий адабиёт вакиллари томонидан кулги остига олинади. Демак, тараққиётга, маънавий камолотга ҳар томонлама тўсқинлик қилувчи образлар муайян типлар сифатида умумлаштириб тасвирланади.

Адабиётшунос Я.Эльсбергнинг фикрича, ҳажвий типлар жуда кўплаб кишилар, ижтимоий гуруҳ ва тоифаларнинг етакчи характер хусусиятларини умумлаштирган индивидуал шахсдир¹⁷. Ҳақиқатан ҳам, адабиётшуносликда инсон образининг тасвирланиш миқёсига қараб учта даража аниқ белгилаб берилган. Шу даражалардан бири образ, характер ва юксак намунаси тип деб юритилади.

“Тип” қадимги юнон тилидаги “*намуна, нусха, тамга*” маъноларини англатувчи сўздан олинган бўлиб, унинг биринчи маъноси индивидуал қиёфада бўлса-да, муайян қолипларга мос келувчи, ўз фаолияти ва қиёфасида

¹⁶ Шарафиддинов О. Ҳажвиётга садоқат // Неъмат Аминов. Қаҳқаҳа. Қиссалар ва ҳикоялар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – Б. 6-7.

¹⁷ Эльсберг Я. Некоторые вопросы теории сатиры // Вопросы теории литературы. – М., 1958. – С. 289.

шу рухий қолипларни такрорловчи кишилар образини ифодалайди. Шу маънода “Тип” термини инсоннинг бадиий образини яратишнинг бир усулини, аниқроғи, бир сатҳини билдиради. Маълум бўладики, бу маънодаги тип инсонга хос такрорланувчи хислатлардан бирининг ўта кенг даражада умумлаштириб берилишидан иборат. Терминнинг иккинчи маъноси эса ҳар қандай умумийликнинг индивидуал қиёфада тасвирланишидир¹⁸. Гоголнинг “Ревизор” комедиясидаги Хлестаков, И.Гончаровнинг “Обламов” романи бош қаҳрамони ана шундай адабий ва ижтимоий типлардир.

Бадиий ижодда ҳажвий тип яратишнинг ўзига хос қийин жиҳатларидан бири асар учун шаклий ихчамлик, фикрий кенглик зарурлигини англаш ва ҳаётий фактларни шу талабларга мос ҳолда тасвирлай олишдир. Бунинг учун у катта ҳаётий материални ихчам шаклдаги бадиий асарга, ҳажвий руҳни бир ёки бир нечта образга жойлай олиши шарт. Ҳажвий тип яратишнинг яна бир мураккаблиги шу билан изоҳланадики, ижодкор нигоҳи ташқаридан алоқасиздек кўринган нарса ва воқеалар ўртасидаги алоқадорликни илғаш, унга нисбатан ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлишини талаб этади.

Тадқиқотда Неъмат Аминов асарларидаги ҳажвий типлар талқинига таҳлилнинг ана шу мезонлари асосида ёндашдик. Ёзувчи қаҳрамонларини, комик ҳолат ҳамда вазиятни ҳаётнинг ўзидан, атрофимизда яшаётган кишилар муносабатидан топади. Шунинг учун улар бизга таниш ва табиий бўлиб кўринади. Бунинг тасдиғини унинг “Жигари тўкилди” деб номланган ҳикоясида ҳам кўришимиз мумкин¹⁹.

Ҳикоя ихчам шаклга эга бўлса ҳам, бироқ унда XX асрнинг 70-80-йилларида жамиятимизда кенг қулоч ёйган лаганбардорлик, шахсий манфаат учун ҳар нарсага тайёр бўлган шахсларнинг типик образи тасвирланган. Хусусан, Қаймоқов қиёфасида худбин, жамият учун хавфли, ҳатто ватанини ҳам сотишга тайёр шахсларнинг ёрқин типни жамланади. Бироқ тасвирда Қаймоқов баъзида содда одам сифатида кўринади. Натижада ҳикоя фелъетонга ўхшаб қолган. Адиб кейинча бу камчиликлардан аста-секин қутулишга интилди.

Неъмат Аминов ҳикояларида ҳажвий тип яратиш усуллари масаласи иккинчи бобнинг иккинчи фаслида ўрганилган. Ижодкорнинг беғараз, самимий кулгиси юмористик типлар яратиш учун хизмат қилса, фош этувчи кулгиси ҳажвий типларни тасвирлашга имкон беради. Кулгининг бу икки хили, кўпинча, биргаликда келади ва яратилган қаҳрамоннинг бир пайтнинг ўзида ҳам юмористик, ҳам ҳажвий тип эканлигини кўрсатади. Бу хусусият Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Анвар Обиджон ижодида тасвирланган қаҳрамонлар қиёфасида ёрқин намоён бўлди. Ҳажвий ва юмористик типларнинг бундай синкретик ҳолати ижодкорларнинг ғоявий мақсади билан боғлиқликда юз беради. Айни вақтда ҳаётий материал табиатидаги синкретизм билан ҳам изоҳланади.

¹⁸ Боров Ю. Сатира // Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении. Роды и жанры. – М.: Наука, 1964. – С. 35-36.

¹⁹ Аминов Н. Жигари тўкилди. “Муштум” кутубхонаси серияси. 34-сон. – Тошкент, 1974. – Б.3-5.

Тадқиқотда ҳажвнинг бу хусусиятини Неъмат Аминовнинг “Чархпалак дунё” ҳикояси мисолида изоҳлашга ҳаракат қилдик. Ёзувчи ушбу ҳикоясида Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда, турмушдаги “нақ чирик бир жой”²⁰ ни топиб лаганбардорлар, хушомадгўйлар, юлғичлар, хиёнаткорлар, бефаҳмлар, букаламунлар хатти-ҳаракатидан захарханда билан кулади. Бу захарханда кулги, айниқса, ҳикоя қаҳрамонларининг нутқи ва ўзаро муносабатлари тасвирида янада ҳаётийлик касб этади. Қиёсий таҳлил асосида ёндашсак, ёзувчининг мазкур ҳикоясидаги персонажлар А.П.Чеховнинг “Хамелеон”идаги Очумеловнинг бошқа замон ва бошқа макондаги издошлари дейишимиз мумкин.

Адибнинг “Нусрат Чаман” номли ҳикоясида ҳажвнависликдаги саркастик-аччиқ истехзоли кулгининг яхши намунасини кўрамиз. Ўқувчини асар қаҳрамони Нусрат Чаманнинг хатти-ҳаракатлари гоҳида ёқимсиз кулгига олиб келса, фаҳм-фаросатсизлик оқибатидаги қилиқлари нафрат ва ижирғанишга етаклайди.

Ҳаётдаги ҳар бир воқеа ёки ҳодиса ҳамма вақт ҳам аниқ бир ўлчам ва меъёрларга тўғри келавермайди. Шу боис адабиётдаги ҳажвий муносабат ҳам доим соф ҳолда учрамайди. А.Қодирий, Ғ.Ғуллом, А.Қаҳҳор ва С.Аҳмадлар қатори Неъмат Аминов ҳикояларига назар ташласак, уларнинг кўпчилигида ҳажв билан юмор омухталашиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз. Абдулла Қодирий ҳикояларида киноя, пичинг, сарказм, гротеск, бўлса, Ғафур Ғулломнинг “Ўғригина болам” ҳикоясида теран психологизм ва лиризм, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида фельетон руҳи, Саид Аҳмад ҳикояларида нозик юмор устунлик қилади.

Адиб ҳажвининг шакл жиҳатдан ранг-баранглиги масаласи учинчи фаслда тадқиқ этилган. Ҳажвиётнинг турлари, усуллари ҳаётнинг ўзи каби, инсоннинг феъл-атвори каби ранг-барангдир. Неъмат Аминов ҳажвиёти шакл жиҳатидан ранг-баранг. Унинг таҳлилга тортилган “Педагогика”, “Табрикнома”, “Нусрат чаман”, “Думли юлдуз” каби ҳикоялари ҳажвий характер касб этса, бир қатор кичик ҳажмдаги асарларига эса адибнинг ўзи “Ҳажвиялар” деб ном берган. “Сўрғич”, “Мандарин пули”, “Қассоб бобонинг ити”, “Жигари тўкилди”, “Мақол одам” каби ҳажвияларида ҳам сатирик образларнинг қайсидир жиҳати кулги остига олинади. “Шудгордан тутилган балиқ” ҳажвияси остсарлавҳасига адиб “эртак” деб изоҳ қолдиради. Ўтмишда бўлиб ўтган воқеани эртакнамо қилиб тасвирлайди. “Ақлли хўроз” эртак-ҳикояси эса масал тарзида ёзилган бўлиб, унда тулки билан хўроз ўртасидаги тортишув ва тулкининг айёрлиги иш бермаганлиги, хўрознинг ақли иш бергани кулги остига олинади. Қизиғи шундаки, бу масал тарзида адиб ҳикоя қилиб берган эртакдан ҳар ким ўз касбидан келиб чиқиб, магазинчи, қассоб, ревизор, чойхоначи бола, ўқитувчи хулоса қилади.

“Шўрлик тулки” ҳажвиясини ҳам адиб “ҳажвий эртак” деб белгилайди. Бизнингча, унинг жанрини “ҳажвий масал-эртак” деб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки унда ўрмондаги ҳайвонлар образи орқали ҳаётдаги

²⁰ Қодирий А. Кичик асарлар. – Тошкент: Фан, 1993, – Б.164.

турли-туман ифвогар, лаганбардор, хушомадгўй, жоҳил кимсаларга хос хусусиятлар фош этилади. Масалан, ўрмон шоҳи Арслонхоннинг “Лайлакларнинг тумшуғи қисқартирилсин”, “Қуён махсумни хафа қилгани учун Бўривойга огоҳлантириш эълон қиламан” тарзидаги бемаъни фармойишлар орқали адиб ҳаётдаги шунга ўхшаш қусурларга ишора қилиб ўтади. Бу каби кулгили буйруқларни ўқир экансиз, адибнинг “коса тагида нимкоса” тарзида шўро замонидаги буйруқбозликлар, кўр-кўрона қоғозбозликларни танқид остига олганини кўрамиз.

Адибнинг баъзи ҳажвиялари борки, уларда зўрама-зўраки кулги чиқаришга уриниш кўзга ташланади, масалан, “Топилдиқ” ҳажвиясида ароқхўр бир кимсанинг бемаъни қилиқлари кулги остига олинади, аммо ҳажвия тугалланмагандай таассурот қолдиради. “Хўроз”ни чўқиган “макиён” ҳажвияси ёзувчининг ўзи таъкидлаганидек, “бўлган воқеа” асосига қурилган.

Адибнинг яна бир туркум ҳажвиялари борки, улар “Ғийбатулло архивидан” деб номланган. “Аъзолардан арзи дод” ҳажвиясида ғийбатчи ва “ёзувчи” шахснинг ўз ички аъзолари – қўл, кулоқ, тиш, ўпка, буйрак кабилардан шикоят қилиши кулги остига олинса, “Машқ” ҳажвиясида ифвогарлиги туфайли қамалиб чиққан одамнинг ҳасрати кулги остига олинади. Ўнг ва чап қўлида ифво хатлари ёзган ифвогар оёғи билан ёзишга ўтгани, кулоқ, бурун тешиклари билан ёзишга ўтгани билан мақтанади. Адиб бу ҳажвияда бироз муболаға ҳам кенг ўрин берадики, бу усул ҳам кулги чиқаришга, ҳажвий образнинг тўлиқ фош этилишига ёрдам беради.

М.Бахтин Франсуа Рабленинг “Таргантюа ва Пантагрюэль” романи таҳлил жараёнида ҳажвий ёки юмористик типларнинг бир-бирига зид хусусиятлар бирлигидан иборатлигини, уларда юксаклик ва пасткашлик, инкор ва тасдиқ, жирканч ва дилкаш хусусиятлар мужассамлашганлигини янада аниқроқ кўрсатади²¹.

Неъмат Аминов ўз ҳикояларида юмористик типнинг оғир аҳволга тушиб қолишини ўқувчиларга ибрат бўлиши учун келтиради. Аммо мантиқан унинг қаҳрамони шундай аҳволда қолиши мумкин эмас. Чунки Неъмат Аминовга хос типлар яратиш тарзи ҳар бир қаҳрамонни аниқ якуний хулосага олиб келиши шарт. Юмористик типнинг ҳажвий-фожиавий типга айланиши унинг тақдирини охиригача ҳал қилишда адибни қийин бир вазиятга солиб қўяди. Шу боис, адиб юзага келган вазиятдан шундай йўл топиб чиқиб кетадики, ҳикояни ўқиган ҳар бир шахс табиий кулги ҳукмронлик қилувчи муҳитга қандай ўтиб қолганлигини сезмай қолади. Адиб ижодига хос бўлган бу хусусиятни “Тўтихон” номли ҳикоясидаги юмористик ва ҳажвий тасвирнинг алоқадорликда берилишида ҳам кўрамиз. Юмористик типнинг ҳаётий бўлишини, замон билан, кундалик ҳаёт билан ҳамоҳанг бўлишини масъулият билан ҳис этган ёзувчи ҳикояда юмористик типнинг беғараз кулги ва аянчли қисмати бириккан, юмористик ҳамда фожиали муносабат кесишган нуқтасидаги ҳолатини моҳирона кўрсата олган. Агар Тўтихон образи

²¹ Бахтин М. Рабле и Гоголь // М.Бахтин. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса. – М.: ГИХЛ, 1990. – С.526-536.

воқеалар тасвири охиригача фақат кулгили тип бўлиб, у тирик қолганида ҳикоянинг таъсири, адиб айтмоқчи бўлган ғоя чала бўлиб қоларди. Реал ҳаётда эса доим кулги ва йиғи, тўй ва аза ёнма-ён яшайди.

Ҳажвий ёки юмористик типлар қисматини ҳал этишда кулгилилик ва фожианинг қоришиб кетиши ўзбек адабиётида янгилик эмас. Ҳажвий ёки юмористик типнинг қисматини ўзига хос фожиавийликда ҳал этишга А.Қахҳор ўзининг “Тўйда аза” ҳикоясида қўл урган эди.

Фасл якунида Неъмат Аминов ҳикояларида ҳажвий ва юмористик типлар худди ҳаётдагидек қоришиқ ҳолда тасвирланиши, бу хусусият, бир томондан, бадиий типнинг моҳиятини очишга хизмат қилса, иккинчи томонидан, уларнинг ҳаётийлигини таъминлашга, асарнинг ижтимоий руҳини оширишга имкон бериши алоҳида таъкидланган.

“Неъмат Аминовнинг “Ёлғончи фаришталар” роман-диалогиясида ҳажвий тип ҳамда ижодкор эстетик идеали” деб номланган учинчи бобнинг биринчи фаслида **“Ҳажвий романда характер эволюцияси”** ўрганилган. Ҳажвий тип яратиш кичик эпик жанрлар учун кўп қулайликларга эга. Ҳикоя ёки фельетон каби жанрларда ҳажвий типнинг энг характерли хислатлари бир нуқтага марказлаштирилади ва фош этувчи бир “марказий” портлаш билан унинг белгиловчи қирралари очиб ташланади. Бунда тасвир объектига ҳам ижодкор учун, ҳам ўқувчи учун қизиқарли бўлган бир воқеа танланади. Аммо йирик эпик жанрларда ҳажвий типлар яратиш анча мураккабдир. Бу мураккабликнинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, ҳажвий тип ижодкор идеали нуқтаи назаридангина эмас, балки ижтимоий эстетик идеалга зид ёки ноқис индивид бўлиши зарур. Иккинчидан, асар сюжети бир-бирига шу даражада боғлиқ бўлган воқеалардан таркиб топиши зарурки, ҳажвий типнинг барча “хислатлари” сюжет ҳалқаларида биринкетин муайян ривожланишда очилиб борсин. Учунчидан, ҳажвий типга хос барча нуқсон ва камчиликлар ўз мантиқи, ички динамикасида юзага чиқиши зарур.

Неъмат Аминов XX аср ўзбек реалистик прозасини ҳажвий роман билан бойитди. Роман диалогиянинг биринчи қисми “Елвизак”, иккинчиси эса “Суварак” деб номланган. Уларнинг ҳар иккисидан ягона ҳажвий тип Баширжон Зайнишев ҳаёти ва унинг саргузаштлари тасвирланади. Ёзувчи икки қиссасини бирлаштириб, романга айлантди.

Иккала қиссадаги ҳажвий типнинг ягоналиги, бунинг устига воқеаларнинг хронологик кетма-кетлиги асарнинг жанр мансубиятини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад асарнинг жанрини роман деб тайин этади: “Бизда Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”сидан бошқа йирик ҳажвий асар йўқ эди. Шунақа асарни узоқ йиллардан бери кутардик. Неъмат Аминов шу орзумизни рўёбга чиқарди. “Ёлғончи фаришталар” ўзбек адабиётидаги маҳорат билан ёзилган тўнғич ҳажвий романдир”²².

²² Саид Аҳмад. 3001-суварак //Саид Аҳмад. Йўқотганларим ва топганларим. Хотиралар. Адабий ўйлар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.238.

Адибнинг “Қаҳқаҳа” тўпламига ёзган сўзбошисида Адабиётшунос олим, танқидчи О.Шарафиддинов “Ёлғончи фаришталар” асарининг (“Елвизак” ва “Суварак” қиссалари 1983 йилда шу ном билан бир жилда чоп этилган) жанр мансубиятини кўйидагича белгилайди: “Танқидчилар ҳам асарни ижобий баҳолашди. Ҳатто айримлар уни “биринчи ўзбек ҳажвий романи” деб атаб, Илья Ильф ва Евгений Петровнинг “Ўн икки стул”, “Олтин бузоқ” каби романларига тенг кўйишади. “Ёлғончи фаришталар” - роман эмас. Унинг жанрини авторнинг ўзи кўш қисса деб белгилаган”²³. Бизнингча, Саид Аҳмаднинг асарни икки қиссадан иборат ҳажвий роман, деган фикрига кўшилиш мумкин. Асқад Мухторнинг “Чинор” романи кўпгина қиссалардан иборат эканлигини ҳам эслайлик.

Бизнингча, “Ёлғончи фаришталар” бир ҳажвий тип ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган икки қиссадан иборат романдир. Асар қаҳрамони ва асосий персонажлари бир, воқеалари муайян ҳаётини кетма-кетликда баён этилади. Дастлаб “Елвизак” қиссаси ёзилган. Унинг қаҳрамони ўртамеъна лавозимларда ишлаб, кўплаб ташкилотларни “ўтирғизиб” келган, устамон Баширжон Зайнишев. Лекин “Елвизак”да ана шундай ҳажвий типнинг қисмати тўла ҳал қилинмаган. Қисса унинг маданият уйини бошқара олмаганлиги учун райком бюросида муҳокама қилиниши билан яқунланади.

Кўриниб турибдики, ҳажвий тип қисматининг бундай яқунланиши биринчи қисса учун кифоя қилади. Баширжон Зайнишев сингари “елвизакфеъл ва суваракмижоз” шахслар қисмати ҳар қандай ижодкордан кескин муносабат талаб этади. Биринчи қиссада ҳажвий типнинг барча характер қирралари етарли очилмагани учун адиб тезлик билан иккинчи қисса “Суварак”ни ёзади. Кейинчалик адиб уларни “Ёлғончи фаришталар” номи остида бир жилда чоп эттиради.

